O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 6 январь, № 5 (4158) Шанба


ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗНИНГ 15 ЙИЛЛИГИГА

*Президентимизнинг «Мустақиллик — бу ҳуқуқдир», деган пурмаъно фикрлари бор. Бу халқимизнинг ўз кучи, билими ва салоҳиятига таяниб, ўзининг тараққиёт йўлини белгилаб олиш ҳуқуқи дегани. Истиқлол йўлида шаҳид кетган, дориломон кунларни армон қилиб ўтган аждодларнинг асрий орзу-ниятларини, истакларини рўёбга чиқариш ҳуқуқи дегани. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, ҳуқуқларимизни ишончли ҳимоя қилиш истиқлолни, озодлигимизни ҳимоя қилиш дегани.*

*Яхши биламизки, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, ижобий ўзгаришларни кўролмайдиган, ҳазм қила олмаётганлар, кам бўлса-да, учраб турибди. Мустақил тараққиётимиз йўлида бунга бир неча бора амин бўлдик. Шукрки, истиқлол сабаб бундай ҳуқуқларимизни ҳимоя қилишга қодирмиз. Яъни, уларни ҳимоя қила оладиган миллий армиямиз бор.*



# Жасорат ва матонат тимсоллари

Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг бир гапини келтириб ўтиш лозим: «Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар». Бу фикрлар замиридаги маънони теранроқ таҳлил қиларканмиз, истиқлолнинг дастлабки куниданоқ белгилаб олган орзу-ниятларимизни, танлаган йўлимизни, миллий ғоямизни ҳимоялашимиз лозимлигига амин бўламиз. Демак, мақсадларимизга, танлаган йўлимизга, миллий истиқлол мафкурамизга бўладиган таҳдидни хавфсизлигимизга таҳдид деб қабул қилмоғимиз шарт. Шу ўринда мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар бугун ўз самарасини бераётганлигини таъкидлаш жоиз. Ўтган давр мобайнида миллий Қуролли Кучларимизни шакллантириш, стратегик ва тактик вазифаларни давр талаблари даражасида ҳал қила оладиган, сарҳадларимиз дахлсизлиги, мамлакатимиз ва бутун минтақамиздаги тинчлик ва барқарорликка хавф солишга қаратилган ҳар қандай ёвуз ҳаракат ва хуружларни бартараф этиш ва уларга муносиб зарба беришга қодир бўлган ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қурол яроғ ва техника билан таъминланган армияни барпо этиш йўлида кўп ишлар амалга оширилди.

Қуролли Кучларимизда ўтказиб келинаётган ислоҳотларга назар ташлар эканмиз, бу жараён халқимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигининг мустаҳкам қалқони ҳисобланмиш армиямиз ҳар жиҳатдан қудратли, қурол-яроғ ва ҳарбий маҳоратда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги лозим, деган ғоядан озиқланаётганини ҳис қиламиз.

Бир эсга олинг. Истиқлол арафасида, аниқроғи, 1990 йилда маҳаллий офицерлар юртимиздаги ҳарбий кадрларнинг, бор-йўғи, 0,6 фоизинигина ташкил этарди. Кейинги йилларда ҳарбий билим юртларимиз, улардаги факультет ва кафедралар сони ортди. Фахримиз, ифтихоримизга айланган Қуролли Кучлар академияси ташкил этилди.

Ислоҳотлар меваси бўлган сержантлар тайёрлаш мактабларини битирган профессионалларимиз бугун том маънода армиямиз суянчи ва таянчига айланаётганини кўриб-билиб турибмиз. Энди биз сержант деганда, аскарларнинг устози, офицерларнинг энг яқин ёрдамчиси, ҳарбийликни ҳаёт мазмуни деб биладиган ўғлонларни тушунамиз.

Бугун огоҳлик, ҳушёрлик асосий қуролимиз эканлигини бот-бот таъкидлаяпмиз. Ватанимизни, ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз кераклигини айтмоқдамиз. Негаки, халқаро терроризм, диний экстремизм тинчликка, хавфсизликка дахл қилмоқда. Шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари — Баҳодир Каримов ва

(Давоми 2-бетда).

*Қутлуғ янги йил остонасида соат милларининг 24 га яқинлашаётганини кузата туриб, негадир ич-ичимдан энтикиб кетдим. Ўша миллар ҳатто кўз очиб-юмишга ҳам улгурмасимиздан умрни яна бир йилга қаритишини ўйлаб маъюс тортиш эмасди, бу энтикиш. Аксинча, тезроқ янги йилга қадам қўйишга, кўнгилга туккан режаларимни амалга оширишга интиқ эдим.*

# Эзгу тилакли элмиз!

Ахир, ҳар гал буюк тарихнинг залворли воқеликларидан сўз очганимда кўзимга кўз тикиб дарсларимни тингловчи неча-неча полапонларга сабоқ беришим керак, ҳали. Пок қалби орзу ва умидларга тўла, нигоҳлари ҳайрату саволларга бой қанча-қанча ўқувчиларим келажаги учун изланишим даркор...

Президентимизнинг Ўзбекистон халқига йўллаган Янги йил табригини ўқиб, юрагимда кечаётган ўй-фикрни сўзлагим келди. Тўғри-да, ортда қолган йил келажак учун асқотадиган, ҳаётимизни янада фаровон этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларга бой йил бўлганини инкор этиб бўладими? Агар тарихда ўтган буюк сулолаларнинг юрт ободлиги, илм-фан тараққиёти йўлида қилган ишлари би-

**Йил бошидаги ўйлар**

лан солиштирсак, бугун Президентимиз, ҳукуматимиз, халқимиз олиб борган оқилона тадбирлар уларнинг ҳеч биридан қолишмайди. Айниқса, мени оддий бир ўқитувчи сифатида ёшларни қўллаб-қувватловчи янги жамғармалар ташкил этилгани, "Келажак овози" республика танловида бу йил кўплаб шогирдларимнинг қатнашиб, фахрли ўрин ва совринларга сазовор бўлишгани чексиз қувонтирди.

Эришган ютуқларимизни бирма-бир санаб ўтириш шарт эмас. Чунки шу юртда яшаб, фаолият юритаётган ҳар бир киши кўз ўнгида содир бўлаётган янгиланишларга бевосита гувоҳ бўлмоқда. Қувончлиси, элимизнинг мақсади эзгу, қўлини дуога очиб сўрайдиган тилаги олтиндан афзал. Шу дориломон кунларга етказганига беадад шукрлар бўлсин!

**Барчиной МЎМИНХЎЖАЕВА,**
**Қўқон шаҳридаги 33-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси.**

# Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда иккинчи ўқишга тайёрланган "Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ва чақириб олиш тартиби тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.*



Йиғилишни мазкур қўмита раиси М. Тешабоев олиб борди.

Таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳаси амалдаги Қонунни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида"ги Конституциявий Қонун ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги Қонуннинг айрим моддаларига мувофиқлаштириш зарурати билан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган. Хусусан, Қонуннинг амалдаги таҳририда Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари бошлиқлари номзодини тавсия қилиш ва уларни тайинлаш, шунингдек, ваколатхонанинг бошқа аъзоларини тайинлаш ва чақириб олиш билан боғлиқ меъёрлар тўлиқ ўз ифодасини топмаган. Таклиф этилаётган қонун лойиҳасига ушбу меъёрларни киритиш уни янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Шу муносабат билан депутатлар лойиҳанинг ҳар бир моддасига тўхталиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Муҳокамада мутахассис экспертлар, Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти вакиллари иштирок этишди.

Йиғилиш кун тартибидаги иккинчи масала қўмитанинг 2006 йилдаги фаолияти якунлари ҳамда 2007 йилга мўлжалланган режаларга бағишланди. Таъкидланганидек, ўтган йил давомида икки томонлама ва кўп томонлама халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш бўйича 16 та қонун киритилиб, уларнинг барчаси қабул қилинди ва Сенат томонидан маъқулланди. Назорат-таҳлил фаолияти доирасида айрим халқаро ҳужжатларнинг жойларда бажарилиши ўрганилди. Қўмита аъзолари сайловчилар билан 200 дан ортиқ учрашув ўтказишди. 350 та мурожаат кўриб чиқилди. Шу билан бирга, 2007 йилга тузилган режага кўра, ўн бешта қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, учта халқаро ҳужжатнинг бажарилишини ўрганиш, еттита тадбир ўтказиш мўлжалланмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

Мамнуният

*Умр дафтаримизни варақласак, анча жойга бориб қолибмиз: олтмиш олти ёш. Кечирган ҳаётимизни биламиз, сарҳисоб қила оламиз, кейинги умримизни-чи? Хўш, яна неча йил яшар эканмиз? Қалтис бу саволга фақат яхши ният билан жавоб қайтарган маъқул: Аллоҳ қанча умр берса, эзгу ишларни рўёбга чиқарайлик.*

# Мен сиздан шифо топдим

Тақдирдан қочиб бўлмас экан. Оёқ тортмай турса ҳам, касалхонага боришдан ўзга чорамиз қолмади. Ҳар эҳтимолга қарши Бўстонлиқ тумани марказий шифохонасининг бош шифокорига қўнғироқ қилдим:

— Бир амаллаб етиб олсам, жой топилармикан? Қиш қаттиқ бошланди, мабодо жойлашсак, совқотиб қолмаймизми?

— Ҳеч хавотир олманг, қўлимиздан келган ёрдамни аямаймиз, — деди Маъмуржон Сайдаҳмедов.

Хавотирланишимизнинг сабаби бор эди. Бундан анча йил бурун ушбу шифохонага тушиб қолиб, тавбамизга таянганмиз. Касалхонанинг йиғлагулик аҳволи хусусида ўринли талабнома қўйиб, бўлим мудиридан таъна-дашном эшитгандик. Бош шифокор эса (иккалови ҳам оламдан ўтганлари туфайли номларини айтмадик) бирор тайинли чора кўра олмади. Можаро Соғлиқни сақлаш вазирлигига етгандан кейингина ўз ечимини топди...

Марказий шифохона қабулхонасига кириб бориб, кўзларимга ишона олмас эдим: шунчалар замонавий, тўкис таъмирланганки, лол қолмай, тасаннолар айтмай илож йўқ. Кайфият кўтарилгач, руҳий аҳвол ҳам бардамлашар экан.

Халқ Сўзи

**Бойликнинг боши — соғлиқ**

Бу манзара дадамиз раҳматлининг қулоғимга мудом қуяверадиган бир насиҳатини ёдимга туширди: «Ўғлим, қирқ йилдан зиёд узлуксиз ишлаб юриб, бирор марта бировдан дакки эшитмадим. Ёдингда тут: аввал зиммангдаги ишларни яхшилаб бажариб бўлмагунингнча, бошқа нарсаларга чалғима...»

Тўртинчи қаватга кўтарилиб, ички касалликлар бўлими мудирасига учрашгунимга қадар ҳам қалбимизда уйғонган ишонч, қувонч ортгандан ортиб бораверди. Оппоқ халат кийган ёқимтой чеҳрали шифокорлар самимий саломлашиб ўтар эдилар. Кўп йиллардан буён ўз касбининг фидойиси сифатида танилган бўлим мудираси Маъфура Комилова ҳар доимгидек жиддий ва куюнчак қиёфада.

— Қон босимингиз... ички аъзоларни ҳам анча чарчатиб қўйибсиз. Кўп одамларимиз, айниқса, қишлоқдагилар, қайта-қайта тушунтиришларимизга қарамай, дардни ўтказиб келадилар. Ўз қадрини билганлар эса, аввало, дарднинг олдини олиш пайидан бўлишади. Жилла қурса, вақтида мурожаат этадилар. Сиз, ахир, оқ-қорани таниган одамсиз-ку! Ўз жонингизга бунчалар жабр этмасангиз!..

— Бошқа қайтарилмайди, Маъфура Валиевна, бир қошиқ қонимиздан кеча қолинг! — ҳазил аралаш муросага ундаган бўлдим жонкуяр шифокорни.

— Ўн иккинчи хонага жойлашиб тайёр туринг, ҳозироқ муолажаларни бошлаймиз...

Бундай даргоҳдан, шунақа аҳил, жонкуяр ва оққўнгил жамоадан шифо топмай бўладими! Энг қувончлиси: бағрикенг, самимият ила бошқарилаётган ушбу даргоҳга келиб иш бошлаётган ёш шифокорлар келажак учун жуда тўғри йўналиш олмоқдалар. Шарафли бу касбни танлаган фарзандларимиз фаолиятининг пойдевори худди шу тарзда мустаҳкам оёққа қўйилса, оппоқ халатларга, покиза қалбларга ҳеч қачон доғ тушмагай.

**Асад АСИЛ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси аъзоси.**

# «Бўстон»даги болалар

***«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси кам таъминланган оила фарзандларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида кўпгина хайрли ишларни амалга оширмоқда.***

Куни кеча жамғарма ташаббуси билан Тошкент шаҳрида яшовчи кам таъминланган оилаларнинг 130 нафар фарзанди Чирчиқдаги "Бўстон" дам олиш масканига жўнаб кетишди. Болажонларнинг кўнгилли дам олишлари учун оромгоҳда турли маънавий-маърифий, маданий ва спорт тадбирлари, шунингдек, интеллектуал ўйинларни ўтказиш режалаштирилган.

Бу хайрли тадбир Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ва Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳомийлигида ташкил этилди.

**М. ХОЛМАТОВА.**


Сафардаги ғаройиб ҳангомалар

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

*Газетамизнинг шу йил 5 январь сонида «Сафардаги ғаройиб ҳангомалар» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда 662/661-сонли Тошкент — Бухоро—Тошкент поездидаги баъзи камчиликлар қаламга олинганди. Мақола ўша куниёқ «Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ жамоасида муҳокама этилди ва таҳририятга расмий жавоб келди. Унда жумладан шундай дейилади:*

# ТЕЗКОР ЧОРА КЎРИЛДИ

«Мақолада кўрсатиб ўтилган ҳолатлар изчил ўрганиб чиқилди ва улар юзасидан ҳар бир ходим тушунтириш бериб ўтди. Ушбу поезд жамоаси аъзоларига йўл қўйган камчиликлари, корхона ички тартибларини бузганликлари учун қатъий чоралар кўрилди. Жумладан, поезд бошлиғи А.Акбаров бошчилигидаги жамоа тарқатиб юборилди. 662/661-сонли Тошкент—Бухоро—Тошкент поездининг 9-вагони кузатувчиси К. Солиев корхона ички тартиб-қоидаларини бажармаганлиги учун бошқа ишга ўтказилди. Ўз хизмат вазифасини қўпол равишда бузганлиги учун 11-вагон кузатувчиси Д. Ҳаитмуҳамедов билан меҳнат шартномаси бекор қилинди.

Шунингдек, муҳокамада мақолада кўрсатилган ҳолатларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, йўловчиларга замонавий хизмат кўрсатиш ҳамда ходимларнинг масъулиятини янада ошириш мақсадида қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Ушбу мақола юзасидан келгусида Бухоро-1 вокзалида қўшимча хизмат текшируви ўтказилади ва 5 январдаги мажлисда айрим сабабларга кўра қатнаша олмаган 9-вагон кузатувчиси М. Абдувалиевга нисбатан тегишли чоралар кўрилади. Текширув натижалари ва кўрилган чоралар юзасидан хабар қилинади.

**М. РАЖАБОВ,**
**«Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ директори».**

# ЭШИТДИНГИЗМИ ?



**2006 йилнинг "Энг яхши мактаб сайти" деб Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги 1-гимназия мактаби сайти топилди.**

2007 йилнинг 1 январидан бошлаб Сиз «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари электрон нусхаси билан танишиш имконига эга бўласиз. Бунинг учун ушбу газеталар электрон нусхасига обуна бўлинг. Маълумот учун телефон (факс): 133-10-03

